



ТАДБИРКОРЛИКДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Муминов Азизбек Якубалиевич.

*Фаргона имкониятлари чекланган шахслар учун
ихтисослаштирилган махсус техникум ўқитувчиси*

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарори

Калит сўзлар: ўзини ўзи банд қилган шахслар, махсус мобил илова, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг маълумотлар базаси (регистр), ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома

Abstract. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4742 dated June 8, 2020 “On measures to simplify state regulation of entrepreneurial activity and self-employment”

Keywords: self-employed persons, special mobile application, database (register) of self-employed persons, certificate of registration as a self-employed person.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарори қабул қилинди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори эълон қилинди.

Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш,



ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажи ҳисобга олинмиши ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслардир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарорига 1-ИЛОВА. **Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида** Низом ишлаб чиқилди. Унда ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисида маълумотлар базаси (регистр) давлат солиқ хизмати органлари томонидан яратилади ва параллел равишда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида шакллантириладиган жисмоний шахснинг шахсий ишга жойлашиши тарихига интеграция қилинади.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши талаб этилмайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ёлланган ходим сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсларни шартнома асосида бир марталик хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди.

Ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи татбиқ этилмайди. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг



меҳнат фаолиятидан ташқари олинган даромадларига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ солинади.

Ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд солиқ хизмати органига келган ҳолда, шунингдек, белгиланган тартибда давлат реестрига киритилган ва солиқ хизмати органига интеграция бўлган электрон платформалар (маркетплейслар) орқали рўйхатга олувчи органлардан рўйхатдан ўтиши мумкин.

Бунда сўровнома ўзини ўзи банд қилган шахс томонидан махсус мобил илова ёки шахсий кабинет ёхуд белгиланган тартибда давлат реестрига киритилган ва солиқ хизмати органига интеграция бўлган электрон платформалар (маркетплейслар) орқали электрон шаклда электрон рақамли имзо ёки имзо сифатида тан олинган биометрик идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган «Фасе-ИД» ва бошқа шу каби усуллар ёрдамида мустақил равишда, шунингдек, солиқ хизмати органига келганда эса солиқ органи ходими томонидан тўлдирилади.

Электрон тижорат платформалар (маркетплейслар) юзи орқали биометрик идентификация қилишда Ўзбекистонда «Киберхавфсизлик» ДУК ижобий хулосаси берилган тизимлардан фойдаланиши шарт.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Сўровномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, рўйхатдан ўтказиш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилган ҳолатлар бундан мустасно; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-



сон қарорига илова билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари; ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини юритишнинг мўлжалланаётган манзили; ўзини ўзи банд қилган шахснинг мобил телефон рақами ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Сўровномада ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт (ИД-карта) серияси ва рақами, яшаш манзили тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тарзда шакллантирилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсга ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий шаклда махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кодга (ҚР-код) эга бўлган маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома) юборилади. Бунда маълумотнома давлат тилида расмийлаштирилади. Шахснинг хоҳишига кўра маълумотнома рус ва инглиз тилларида ёки имкон бўлса, бошқа тилда расмийлаштирилиши мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар маълумотномани махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали юклаб олишлари ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда қоғоз шаклида ҳам олишлари мумкин. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга маълумотнома чекланмаган муддатга берилади. Ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмайди.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ [кодексига](#) мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар **жами даромадлари таркибига киритилмайди.**

Меҳнат стажи ҳисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилига БХМнинг **камида бир баравари миқдорида** ихтиёрий тартибда [ижтимоий солиқ](#) тўлайдилар.

2026 йилдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари 104 тадан 72 тагача қисқаради. Солиқ қўмитасига кўра, бундан мақсад солиқ тушумлари эмас, балки тадбиркорларга тенг шарт-шароит ва рақобат муҳитини яратишдир. Ушбу рўйхат ҳозирда қўмилада муҳокама қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги пқ-4742-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-364-сон қарори.
3. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори
4. Шавкат Мирзиёев «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир» Тошкент – «Ўзбекистон»-2020.
5. Биргит Фламма, Атиас Ванглер, Собахон Рахманова. Бизнес асослари [матн]: ўқув Кўлланма /Тошкент 2024 йил



6. ALMURADOVA, D. M. (2018). THE ROLE OF CHEMOTHERAPY IN TRIPLE NEGATIVE BREAST CANCER. JOURNAL OF DRUG DELIVERY & THERAPEUTICS, 8(5), 163-167.
7. АТАКХАНОВА, Н. Е., ALMURADOVA, D. M., TURSUNOVA, N. I., & ZIYAEV, S. V. (2023). TRIPLE NEGATIVE BREAST CANCER AND DRUG-RESISTANT CELLS. WORLD BULLETIN OF PUBLIC HEALTH (WBPH) IN, 28.
8. АТАХАНОВА, Н. Э., ТУРСУНОВА, Н. И., ЯХЯЕВА, В. К., ЭСОНТУРДИЕВ, У. И., МАМАЖАНОВ, Х. И., АЛМУРАДОВА, Д. М., & БОТИРАЛИЕВА, Г. К. (2023). КЛИНИЧЕСКИЙ СЛУЧАЙ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЗЛОКАЧЕСТВЕННОЙ ОПУХОЛИ ИЗ ОБОЛОЧЕК ПЕРИФЕРИЧЕСКИХ НЕРВОВ ЗАБРЮШИННОЙ ЛОКАЛИЗАЦИИ. ТАЗОВАЯ ХИРУРГИЯ И ОНКОЛОГИЯ, 13(4), 62-67.
9. АТАКХАНОВА, Н. Е., ALMURADOVA, D. M., GAZIEV, L. T., & ZIYAYEV SH, V. (2023). RESULTS OF DRUG TREATMENT OF PATIENTS WITH METASTASIS OF TRIPLE TIMES NEGATIVE BREAST CANCER. EPRA INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT (IJRD), 9(6), 125-128.
10. АТАКХАНОВА, Н. Е., ALMURADOVA, D. M., ZIYAYEV SH, V., ХАМИДОВ, Х., & ЮСУПОВ, А. (2023). ЗНАЧЕНИЯ АНДРОГЕННЫХ РЕЦЕПТОРОВ ДЛЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ВЫЖИВАЕМОСТИ БОЛЬНЫХ ТРИЖДЫ НЕГАТИВНЫМ РАКОМ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. INTERNATIONAL BULLETIN OF MEDICAL SCIENCES AND CLINICAL RESEARCH, 3(6), 5-8.
11. ALMURADOVA, D. M., MUKUMOVA, D. I., & TURAEVA, X. K. (2022). KARLIBAEV AO MODERN ENDOCRINE THERAPY IN LOCALLY ADVANCED ESTROGEN OR PROGESTERONE RECEPTOR-POSITIVE BREAST CANCER. ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКА В XXI ВЕКЕ, 24(2), 773-780.
12. JURAEV, M. D., АТАКХАНОВА, Н. Е., ALMURADOVA, D. M., & GAZIEV, L. T. (2023). ANDROGEN RECEPTOR VALUES FOR PREDICTION OF SURVIVAL OF PATIENTS WITH THREE TIMES NEGATIVE BREAST CANCER. EPRA INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT (IJRD), 8(6), 104-106.
13. TURSUNOVA, N. I., ALMURADOVA, D. M., TURAYEVA KH, K. H., & MUQIMOVA, D. I. (2022). HEREDITARY BREAST AND OVARIAN



- CANCER. EDUCATION AND SCIENCE IN THE XXI CENTURY, (24), 1200-1212.
14. АТАХАНОВА, Н. Э., & АЛМУРАДОВА, Д. М. (2022). ВЛИЯНИЕ ЭКСПРЕССИИ АНДРОГЕНОВЫХ РЕЦЕПТОРОВ НА ПРОГНОЗ ТРИЖДЫ НЕГАТИВНОГО РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. КЛИНИЧЕСКАЯ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ОНКОЛОГИЯ, 10(2), 112-115.
15. ALMURADOVA, D. M., SH, O. S., & UBAYDULLAEV, I. A. (2021). SHAROBIDDINOV BB ISLAMOV SB A MODERN APPROACH TO DIAGNOSIS AND TREATMENT OF BREAST CANCER RELEASES. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCE, 2(5), 294-298.
16. TILYASHAIKHOV, M. N., GAZIEV, L. T., ALMURADOV, A., & ALMURADOVA, D. M. (2021). A MODERN APPROACH TO DIAGNOSTICS, PREDICTION AND COURSE OF RENAL CELL CANCER. ANNALS OF THE ROMANIAN SOCIETY FOR CELL BIOLOGY, 25(1), 4429-4451.
17. KHAKIMOVA, G. G., KHAKIMOV, G. A., KHAKIMOVA, S. G., KHAKIMOV, A. T., & ALMURADOVA, D. M. (2021). CHANGES IN TUMOR INFILTRATING LYMPHOCYTES OF PERIPHERAL BLOOD AND TISSUE DURING CHEMOTHERAPY IN PATIENTS WITH GASTRIC CANCER. THE AMERICAN JOURNAL OF MEDICAL SCIENCES AND PHARMACEUTICAL RESEARCH, 3(03), 20-31